<sup>6</sup> Гадоев Э. и др. Ошибки по налогам. – Т.: Мир экономики и права, 1996. – 128 с.; Гадоев Э., Кузиева Н. Налогообложение физических лиц. – Т.: Ўзбекистон, 2013. – 281 с.; Гатаулин Ш. Налоги и налогообложение. – Т.: ДСК, 1996. – 241 с.; Завалишина И. Налоги: теория и практика. – Т.: Мир экономики и права, 2005. – 544 б.; Вахобов А., Жураев А. Налоги и налогообложение. – Т.: Iqtisod-Moliya, 2019. – 408 с.; Вахобов А., Маликов Т. Финансы. – Т.: НОШИР, 2012. – 712 с.; Ниязметов И. “Солиққа тортиш механизмларини такомиллаштириш орқали солиқ тизими барқарорлигини таъминлаш” мавзусидаги докторлик диссертацияси автореферати. – Т.: БМА, 2018. – 70б. Маликов Т. Актуальные вопросы налогов и налогообложения. - Т.: Академия, 2002. - 204 с.; Маликов Т., Олимжонов О. Финансовый менеджмент. – Т.: Академия, 1999. – 254 с.; Тошматов Ш. Роль налогов в развитии предприятий: Монография. – Т.: Фан ва технология, 2008. – 204 с.; Тошмуродова Б. Механизм управления экономикой посредством налогов. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 128 с.; Хайдаров Н.

Масалан, 2021 йилда Н.А.Ортиқов "Ўзбекистонда самарали солиқ маъмуриятчилигини шакллантиришнинг йўналишлари" мавзусида фалсафа фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ишини ҳимоя қилди, 2022 йилда эса Х.Х.Насруллоев "Солиқ маъмуриятчилигига замонавий ахборот коммуникация технологияларини жорий этиш ҳисобига солиқ базасини кенгайтириш истиқболлари" мавзусида фалсафа фанлари доктори илмий даражаси учун диссертация ишини ҳимоя қилди.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Тадқиқот иши Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Г.В. Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университетининг Тошкент филиалида бажарилаётган «Миллий иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш тизимини трансформация қилишнинг методологик асослари» мавзуси доирасидаги ФЗ-5421033210-сонли илмий лойиҳасига мувофиқ амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг мақсадлари:**

солиқ маъмуриятчилигида рақамли технологияларни жорий этиш бўйича халқаро тажрибани ўрганиш ва уни Ўзбекистонда қўллаш имкониятларини баҳолаш;

солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини баҳолаш усулларини тадқиқ этиш; Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилишнинг методологик-услубий асослари ва норматив-ҳуқуқий базасини таҳлил қилиш;

глобал инқироз ва постпандемия шароитида солиқ маъмуриятчилиги тизимини рақамлаштириш хусусиятларини очиқ бериш;

солиқ тизимини самарали бошқариш билан иқтисодий ўсишни таъминлаш имкониятларини илмий асослаш.

иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

---

Финансы. 1-часть. – Т.: Академия, 2001. – 185 с.; Кузиева Н. Направления совершенствования финансово-кредитного механизма предприятий с участием иностранных инвестиций. –Т.: Iqtisod-Moliya, - 296 с.; Санакулова Б.Р. Совершенствование налогового администрирования малого бизнеса // Экономика и финансы. - 2023. - № 4. - С. 45–52.; Воронин С.А. Использование научно-методологических основ налогообложения при проведении налоговых реформ в Республике Узбекистан // Развитие территорий. – 2020. – №1 (19). – С. 88–96; Кучкаров Т.С. Совершенствование информационной системы казначейства Республики Узбекистан в условиях цифровой экономики: автореф. дис. докт. эконом. наук (DSc) по специальности 08.00.14 Информационные системы и технологии в экономике. – Ташкент, 2019. – 76 с.; Кенжабаев А.Т. Современное содержание и понятие цифровой экономики. // Экономика и бизнес: теория и практика, 2021. – С.143-146.; Кучкаров Т.С. Совершенствование информационной системы казначейства Республики Узбекистан в условиях цифровой экономики: автореф. дис. докт. эконом. наук (DSc) по специальности 08.00.14 Информационные системы и технологии в экономике. – Ташкент, 2019. – 76 с.; Ходиев Б.Ю. Узбекистан: построение цифровой экономики. // Российский внешнеэкономический вестник, 2017. №12. – С.3-12, Насруллоев Х.Х Digitalization of tax administration – a strong goal meeting modern requirements International Journal of Research in Social Sciences Vol. 12 Issue 05, May 2022, 67-74 бет.

**Тадқиқотнинг объекти** Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилиги тизими ташкил қилади.

**Тадқиқотнинг предмети** солиқ маъмуриятчилиги амалиёти ва уни такомиллаштириш жараёнида юзага келадиган ташкилий-иқтисодий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот жараёнида илмий билишнинг тарихий, мантиқий-ҳуқуқий, қиёсий-ҳуқуқий, тизимли таҳлил, статистик, социологик сўров, эксперт баҳолаш, прогнозлаш каби усуллардан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

ундирилиши умидсиз деб топилган солиқ қарзларини ҳисобдан чиқаришни бекор қилиш - яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши эканлиги асослаб берилган;

солиқ тўловчилар билан онлайн мулоқот қилиш шароитида қонунчиликка риоя қилиш, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ва банкротликни назорат қилишнинг автоматлаштирилган ва онлайн-коммуникация тизими асосланган «банкротлик процедураси солиқ мониторинги» таклиф қилинган;

солиқ органлари ва солиқ тўловчилари ўртасидаги муносабатлар механизмларини самарали воситаларга асосан, жумладан сервис хизмати ва электрон мулоқотга асосланган механизмга кўра оптималлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган;

солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари фаолиятидан қониқишини комплекс баҳолаш ёндашувини, жумладан самарали солиқ маъмуриятчилигини жорий ўзгаришларга кўра солиқ тўловчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва солиқ базаси кенгайтириш асосида такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги асосланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

бюджет соҳасида шаффофликни ошириш, солиқ солинадиган базани баҳолаш ва унинг эгилувчанлигига асосланган ҳисоб-китоб тизими амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган;

солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш муаммолари аниқланиб, уларни бартараф этиш юзасидан тавсиялар асосланган;

рақамли технологияларга кўра рақамлаштириш имкониятларини кенгайтириш ва электрон ўзаро ҳамкорлигига асосланган хизмат кўрсатиш механизминини такомиллаштириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ушбу тадқиқот жараёнида қўлланилган ёндашув ва усулларнинг мақсадга мувофиқлиги, фойдаланилган маълумотларнинг расмий манбалардан олингани ҳамда хулоса ва таклифларнинг мутасадди ташкилотлар томонидан амалиётга жорий этилганлиги билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти хулоса, таклиф ва тавсиялар иқтисодиётни рақамлаштиришда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишидаги илмий-тадқиқотларнинг илмий-назарий асосини бойитишга ҳамда услубий асосларини такомиллаштиришга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти** асосланган хулоса, тавсия ва таклифлар иқтисодиётни рақамлаштиришда солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришга оид дастурларни ишлаб чиқиш, мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ва амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда олий таълим муассасалари ўқув дастурларига мувофиқ ҳолда соҳага оид дарслик ва ўқув адабиётларини тайёрлашга хизмат қилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ундирилиши умидсиз деб топилган солиқ қарзларини ҳисобдан чиқаришни бекор қилиш - яширин иқтисодиётни қисқартириш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг муҳим йўналиши эканлиги бўйича таклиф Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2021 йил 20 ноябрдаги 736-сон «Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорининг 3-бандини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 10 февралдаги 21-11695-сонли маълумотномаси). Ушбу таклиф солиқ интизомини янада мустаҳкамлашга, солиқ тадбирларини мақсадли ташкил этишга, ундириш умидсиз деб топилган солиқ қарзларини ҳисобдан чиқаришни янада тартиблашга ва яширин иқтисодиётга қарши кураш самарадорлигини оширишга ҳамда солиқ маъмуриятчилиги харажатларини 12,4 фоизга тежашга муайян даражада хизмат қилган;

солиқ тўловчилар билан онлайн мулоқот қилиш шароитида қонунчиликка риоя қилиш ва солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш ва банкротликни назорат қилишнинг автоматлаштирилган ва онлайн-коммуникация тизимига асосланган «банкротлик процедураси солиқ мониторинги» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 20-ноябрдаги 736-сон «Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида ва солиқ органлари фаолиятида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 10 февралдаги 21-11695-сонли маълумотномаси). Таклиф солиқ органларининг давлат ишончли назоратчиси ваколатида иштирок этиши, АСК самарадорлигини янада оширишга муайян даражада хизмат қилган;

солиқ органлари ва солиқ тўловчилари ўртасидаги муносабатлар механизмларини самарали воситаларга асосан, жумладан сервис хизмати ва электрон мулоқотга асосланган механизмга кўра оптималлаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 20-ноябрдаги 736-сон «Солиқ маъмуриятчилигини янада такомиллаштиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва «2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш стратегияси»ни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 10 февралдаги 21-11695-сонли маълумотномаси). Таклиф тизимни рақамлаштириш ва бу соҳадаги чора-тадбирлар самарадорлигини оширишга муайян даражада хизмат қилган;

солиқ тўловчиларнинг солиқ органлари фаолиятдан қониқишини комплекс баҳолаш ёндашувини, жумладан самарали солиқ маъмуриятчилигини жорий ўзгаришларга кўра солиқ тўловчиларни молиявий қўллаб-қувватлаш ва солиқ базасининг кенгайиши асосида такомиллаштиришнинг мақсадга мувофиқлиги таклифи Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 апрелдаги 320-сон «Давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2022 йил 10 февралдаги 21-11695-сонли маълумотномаси). Таклиф солиқ интизомига риоя қилувчилар улушининг ортишига, солиқ маъмуриятчилигидаги юкнинг камайиши ва солиқ тўловчилар томонидан ихтиёрый равишда тўланган солиқларнинг солиқ мажбуриятлари умумий ҳажмидаги улушининг ортишига муайян даражада хизмат қилган.

**Тадқиқот натижаларининг апробатсияси.** Диссертация тадқиқотининг асосий натижалари 6 та халқаро ва 12 та республика илмий-амалий конференцияларида апробациядан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та нашр эълон қилинган, шулардан 2 таси Web of Science базасида индексланган конференция материалларидаги мақолалар, 1 та Scopus базасидаги мақола ва 15 та журнал мақолалари, жумладан Ўзбекистон Республикаси ОАК томонидан тавсия этилган нашриётлар рўйхатида 6 та мақола чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан ва иловалардан иборат. Диссертация ишининг умумий ҳажми 154 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва аҳамияти асослаб берилган, унинг мақсади ва асосий вазифалари белгиланган, диссертациянинг объекти ва предмети кўрсатилган, диссертация мавзусининг республика фан ва технологиялари ривожининг устувор йўналишларига мувофиқлиги далилланган, унинг илмий янгилиги асосланиб, амалий натижалари баён этилган, тадқиқот натижаларини жорий этиш ҳақидаги маълумотлар келтирилган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, шунингдек, эълон қилинган ишлар ва диссертация таркиби ҳақидаги маълумотлар берилган.

Диссертациянинг “**Солиқ маъмуриятчилигининг самарали механизмини шакллантиришнинг назарий асослари**” деб номланган биринчи боби солиқ маъмуриятчилигининг асосий концепцияларини ривожлантириш масалаларини ўрганиш, шунингдек, хорижий давлатларда солиқ органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш масалаларига бағишланган.

Сўнгги беш йилда солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологиялар ва инновацияларни жорий этиш бюджетга тушумларни деярли икки баробар орттириш, солиқ тўловчилар учун солиқ тўлаш тартибини соддалаштириш, инспекцияларга юкломани камайтириш ва назорат сифатини ошириш имконини

берди. Масалан, 2024 йилнинг январь-март ойларида soliq.uz сайти ва иловаси орқали солиқ аудити 89 та солиқ тўловчининг 481,6 миллиард сўм яширин солиқ базалари мавжудлигини аниқлади. Текширувлар мобайнида қуйидагилар аниқланди: 53 та субъектда 270,4 миллиард сўмлик сотилмаган товарлар, 16 та субъектда 125,7 миллиард сўмлик товарларнинг йўқлиги, ва 20 та субъектда 85,5 миллиард сўмлик импорт қилинмаган товарлар. 173,2 миллиард сўм қарздорликнинг бор-йўғи 60,9 миллиард сўм тўланган (35,2%).

Аниқланган ҳуқуқбузарликлар суммаси секторлар бўйича тақсимланди: савдо ва умумий овқатланиш шохобчалари -216 млрд сўм (43,4%), қурилиш – 95,7 млрд сўм (19,2%), хизматлар – 81,4 млрд сўм (16,4%), ишлаб чиқариш – 57,8% (11,6%), қишлоқ хўжалиги – 34 млрд сўм (6,8%), транспорт – 6,3 млрд сўм (1,3%), бошқа соҳалар – 6,7 млрд сўм (1,3%).

Ўзбекистон Солиқ қўмитаси жараёнларни рақамлаштирган ҳолда хизмат кўрсатишга йўналтирилган маъмуриятчиликни ривожлантирмоқдаки, бу назоратга сарфланадиган меҳнат харажатлари, давлат харажатларини қисқартириб, даромадларни башоратлаш самарадорлигини оширади. Солиқлар бюджетнинг 80% дан зиёдроғини ташкил этган ҳолда, дастурларни молиялаштириб, давлат мажбуриятлари барқарорлиги ва бажарилишини таъминламоқда. Рақамлаштириш шароитларида самарали маъмуриятчилик молиявий барқарорлик ва ривожланишнинг асоси бўлиб қолмоқда<sup>7</sup>.

Умумий овқатланиш шохобчалари қурилишда меҳнат кодекси ва бошқа меъёрий ҳужжатларни четлаб ўтиб амалга оширилган тушумлар ва товарларни сотиш, ишчи ходимларни расмийлаштирмаслик ҳисобига солиқ тўламаслик устидан мониторинг тизимини жорий этиш ушбу соҳани ҳам назарий, ҳам амалий нуқтаи-назардан ўрганиш заруриятини кўрсатади.

Солиқ тушумлари ҳисобига шакллантириладиган молиявий ресурслар давлатнинг барқарорлиги ва функционалигини қўллаб-қувватлашда асосий роль ўйнайди. Солиқлар бюджет даромад қисмининг 80% дан ортиғини таъминлайди, ва уларнинг етарли миқдорда бўлиши ва очиқлиги ижтимоий-иқтисодий функцияларнинг бажарилиши учун асосий аҳамиятга эга. Бу ресурслар давлат дастурларини молиялаштириш, меҳнат, ижтимоий ташаббусларни ривожлантириш ва иқтисодий ўсишни қўллаб-қувватлаш учун мўлжалланган. Солиқ тушумларининг барқарорлиги давлатнинг жамият олдидаги мажбуриятларини бажариш қобилиятига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади. Бунга хавфсизлик, соғлиқни сақлаш ва ҳаёт фаолиятининг бошқа соҳалари киради. Глобал рақамлаштириш ва иқтисодий таҳдидлар шароитларида самарали солиқ маъмуриятчилиги молиявий барқарорлик кафолати ва узоқ муддатли тараққиёт стратегияларини амалга оширишнинг асоси бўлиб хизмат қилади.

Ҳозирги шароитларда давлат бюджетига барқарор солиқ тушумлари тушишини таъминлаш муҳим аҳамиятга эга. Ўзбекистон ўз иқтисодиётини мустаҳкамлаш бўйича улкан вазифаларни бажариши лозимки, бу солиқ тизимини самарали бошқаришни оширишни талаб қилади. Солиқ тизимини бошқариш унинг тараққиётининг ҳар бир босқичидаги мақсад ва вазифалари ҳамда ўзига хос


<sup>7</sup> <https://soliq.uz/press-services/news/show/otkazilgan-soliq-auditi-natijalari->

хусусиятлари билан белгиланади. Вақт ўтиши билан солиқ тизимини бошқариш концепцияси “солиқ маъмуриятчилиги” деган замонавий номга ўзгарди.

2023 йилда Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилиги рейтингида илгари сурилди, бу ушбу тизимнинг такомиллаштирилганини англатади. Рақамлаштириш доирасида ҳисобга олиш ва Диптихнинг замонавий тизимлари жорий этилдики, бу ҳол корхоналарга солиқ юкласининг камайтирилишига олиб келди. Сўнги маълумотларга кўра, Ўзбекистонда ўртача корхона солиқ мажбуриятларини бажариш учун 174 соат сарфлайди, бунга ҳисобот тайёрлаш, топшириш ва солиқларни тўлаш ҳам киради. Бунда солиқ тўловларининг умумий суммаси 7 тагача қисқарди, солиқ юкласи эса даромаднинг тахминан 31,5% ни ташкил қилади

Бу кўрсаткичлар ҳукуматнинг солиқ тизимини оптималлаштириш устида фаол ишлаётганини кўрсатади. Бу солиқ тизимини солиқ тўловчилар учун янада қулай қилиб, замонавий рақамлаштириш шароитларида унинг самарадорлигини оширади. Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш ҳамон устувор вазифа саналиб, буни тизимдаги янги ислоҳотлар ва ўзгаришлар яққол кўрсатиб турибди.

Бу ўзгаришлар мамлакатнинг инвестицион жозибадорлигига ижобий таъсир кўрсатади, чунки вақтинчалик харажатларни қисқартириш ва солиқ юкласининг камайтирилиши Ўзбекистонда бизнес юритиш учун янада қулай шароит яратади.



**1-расм. Солиқ тизимини бошқаришда солиқ маъмуриятчилигининг ўрни**

Солиқ маъмуриятчилигининг бошқарувчи функцияси эҳтимолий камчиликлар ва такомиллаштириш бўйича таклифларни таҳлил қилиш мақсадида мунтазам мониторинг қилиш ва замонавий қонунчиликда намоён бўлади. Ушбу битимда солиқ муносабатларини ҳуқуқий бошқаришни, солиқ тизимининг самарадорлигини тартибга солиш, ва унинг ижтимоий-иқтисодий тизимнинг меъёрларига янада аниқ мувофиқ бўлишини бошқариш ҳақида келишувга эришилди.

Мақсад – солиқ тўловчилар учун минимал харажатли барқарор бюджет тушумларини таъминлай оладиган мослашувчан ва самарали солиқ тизимини яратишдан иборат. Асосий эътибор процедураларни соддалаштириш. Маъмурий тўсиқларни камайтириш ва солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажаришни рағбатлантиришга қаратилган. Солиқ маъмуриятчилиги солиқ йиғиш, уларнинг тўланишини назорат қилиш, солиқ қонунчилигини ўзгартириш бўйича таклифлар киритиш ва ҳисобдорлик процедураларини яхшилашни ўз ичига олади. Ижро органлари нафақат қонунларни қўллайди, балки солиқ тизими замонавий иқтисодий ҳамда ижтимоий шароитларга мувофиқ бўлиши учун ўзгартишлар киритишни таклиф қилади (1-жадвал).

## 1-Жадвал

### Солиқ маъмуриятчилигининг моҳияти ва мазмуни бўйича илмий қараш<sup>8</sup>

№	Солиқ маъмуриятчилигига оид илмий қараш	Илмий қараш вакиллари
1	Давлат органларининг ташкилий функциялари солиқ тизимини самарали бошқаришни оширишга қаратилган	В.Донг, Т.Кристенсен, Ц.П.Сиррито, А.Хансфорд
2	Солиқ органлари жамиятнинг уларнинг ишига ишонч билан қарашини ошириш, солиқ маъмуриятчилигининг адолатли ва натижадор бўлишига қаратилган	Ватиш Алинк, Витиш Впан Коммер
3	Солиқ маъмуриятчилиги этикаси солиқни бошқаришда масъулият ва ҳалолликни кучайтиради	Марсио Ф.Верди, Алехандро Жуарес
4	Солиқ йиғиш ва солиққа оид ҳуқуқий муносабатлар субъектлари ўртасидаги муносабатларни бошқариш билан боғлиқ бўлган функционал фаолият	А.А.Арутюнов, А.Т.Изм айлов.
5	Солиқ органлари назорати ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва ва солиқ қонунчилигига риоя қилишни ўз ичига олади	М.Р.Бобоев, А.З.Дадашев, Е.А.Иванова, А.В.Лобанов
6	Иқтисодий муҳит шароитларида солиқ тизимини бошқариш солиқ жараёнларини тартибга солади	Т.В.Игнатова, В.А.Красницкий, М.В.Мишустин
7	Ресурсларни минимал сарфлаган ҳолда солиқ тушумларини ошириш стратегияси	О.Б.Буздалина, О.А.Ногина
8	Солиқ маъмуриятчилигининг ҳуқуқий жиҳатлар билан ўзаро алоқаси солиқ қонунчилигининг бир қисми сифатида қабул қилинади	А.В.Аронов, В.А.Кашин, В.П.Кузнецов
9	Солиқ маъмуриятчилиги фискал масалаларни ҳал қилиш учун солиқ тизимининг элементи сифатида	А.Т.Маликов, Б.Санакулова
10	Солиқ маъмуриятчилиги солиқ тизимининг бутунлиги ва фискал самарадорлиги индикатори сифатида	А.С.Жўраев, Ю.Бердиева
11	Интизом ва ишончни ошириш учун солиқ тўловчилар ва солиқ органлари ўртасида ўзаро ҳаракат моделлари	О.К.Абдурахманов, С.А.Воронин
12	Хизмат кўрсатиш сифатини ошириш учун солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни татбиқ этиш	У.Сатгарова, Д.Абдулов,

<sup>8</sup> Тадқиқот асосида тузилди.

Ўзбекистон солиқ маъмуриятчилигига рақамли технологияларни интеграция қилиш янги имкониятларни очади, аммо бунда хавф ва харажатлар мавжуд. Business Intelligence ва Big Data технологиялари яширин иқтисодиёт даражасини қисқартириш ва бозорнинг чуқур таҳлилини таъминлаш қобилиятига эга. Case Management ва Case Assessment Systemни жорий этиш Давлат Солиқ қўмитасига (ДСҚ) аудит ва мониторингни реал вақт тартибида амалга ошириш имконини беради.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлиги иқтисодий тараққиётнинг институционал структураси, даражаси ва қонунчиликнинг мустақамлигига боғлиқ. Бу омиллар солиқ тизимини ташкил этиш ва фаолият юритишини белгилайди.

Хориж тажрибаси, масалан, Швеция, Дания, Норвегия, Германия, Франция, Жанубий Корея, Россия ва Япония тажрибалари рақамлаштириш ва автоматлаштиришнинг муҳим аҳамиятга эга эканлигини кўрсатади. Скандинавия мамлакатларида бундай чора-тадбирлар маъмурий тўсиқларни камайтириб, солиқ мажбуриятларига ихтиёрий равишда роя қилишни рағбатлантиради, бу эса солиққа тортиш шаффофлиги ва самарадорлигини оширади.

2023-2024 йилда ойлик маош йўналишида солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш ва солиқ ҳамда божхона органлари учун ахборот тизимларини такомиллаштириш устувор вазифалардан бўлди. Хавф-хатарга йўналтирилган ёндашув текширувлар сифатини яхшилаб, уларнинг сонини камайтиришга сабаб бўлди, аммо солиқдан бош тортувчиларга қарши курашни кучайтирди. Бир кунлик фирмаларни назорат қилиш учун юридик манзилни ўзгартириш ва нотариусларни маълумот тақдим этиш учун жалб қилиш ҳақида мажбурий огоҳлантириш бериш каби чоралар жорий этилди.

Солиқ органлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ўртасида самарали ўзаро ҳаракат жумладан, ахборот алмашиш учун ягона маълумотлар базасини яратиш қарзни ундириш жараёнини енгиллаштиради. Солиқ механизмлари тадбиркорликни рағбатлантириши, ишлаб чиқаришга таъсир кўрсатиши ва ижтимоий-иқтисодий номувозанатликни бартараф қилиб, барқарор ўсишни таъминлаши мумкин.

Бироқ Ўзбекистонда менталитетнинг ўзига хос хусусиятлари, иқтисодиёт ва анъаналарнинг ўзига хос жиҳатлари хориж амалиётларини миллий вазифаларни эътиборга олган ҳолда мослаштиришни талаб этади. Бу мамлакатнинг ҳақиқий ҳолатига мувофиқ бўлган адолатли ва самарали солиқ тизимини яратиш имконини беради.

Скандинавия ва Осиё тажрибаси кўрсатадики, ишчи кучи иштироки, камбағалликни қисқартириш, тенглик ва солиқлар орқали даромадларни қайта тақсимлаш умумий фаровонликка хизмат қилади.

Бироқ АҚШ да умумжамият фаровонлигига қаратилган самарали давлат яратиш мақсади шунга ўхшаш бўлса-да, улар турлича амалга оширилади. АҚШ ўзининг ЯИМ 17% ни Medicaid, қўшимча суғурта жамғармаси (SSI) ва болаларни тиббий суғурталаш дастури (CHIP) каби ижтимоий таъминот дастурларига

сарфлайди. Шимолдаги давлатлар ўз ЯИМ нинг чорак қисмидан ортиғини давлат ижтимоий ёрдамни молиялаштиришга сарфлайди.

Хориж тажрибаси таҳлили кўрсатадики, аксарият мамлакатларнинг солиқ органлари ахборот технологиялари, жумладан, электрон хизматлар кўрсатиш ва ва солиқ тўловчиларни онлайн рўйхатига олиш тадбирларидан фаол фойдаланди. Ўзбекистонда ҳам солиқ органлари замонавий технологияларни жорий этиб, электрон хизматлар тақдим этмоқда. Солиқ бошқарувига ёндашувлар турлича ва аҳоли менталитети, миллий хусусиятлари ва иқтисодийнинг ўзига хос хусусиятларига мослаштирилган. Бевосита мулоқотсиз рўйхатга олиш ва интернет-платформалар орқали рўйхатга олиш энг кенг тарқалган усуллардан ҳисобланади.

Европа ва Осиё мамлакатлари тажрибасидан фойдаланиш натижасида Ўзбекистонда солиқ бошқарувини амалга оширишни янада такомиллаштириш мумкин. Солиқ жараёнларида рақамли технологиялардан фойдаланиш маълумотларни ишлашни жадаллаштириш ва шаффофликни ошириш имконини беради, бу ўз навбатида, солиқ тизими самарадорлигини оширади, солиқ тушумлари ортишига ёрдам бериб, солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатларининг олдини олишга хизмат қилади.

Солиқ тушумлари бюджетни шакллантиришнинг энг муҳим манбаси бўлиб, давлатнинг мудофаа, ҳуқуқ-тартибот ва ижтимоий муҳофаза каби вазифаларини таъминлаш имконини беради. Солиқ маъмуриятчилиги самарали солиқ йиғиш ва уларнинг тўланиши устидан назорат қилиш, солиқ соҳасида ҳуқуқбузарликларга қарши курашга йўналтирилган. 2023 йилда солиқлар дунёнинг ярим мамлакатларида даромадларнинг 80% дан зиёд қисмини, бошқа мамлакатларда эса 50% дан ортиқроқ қисмини ташкил этади. Ривожланган мамлакатлар тажрибаси солиқ жараёнлари самарадорлигини ва шаффофлигини ошириш учун солиқ органларини стратегик бошқариш ва замонавий технологиялардан кенг фойдаланишларини кўрсатади.

Солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари қуйидагиларни ўз ичига олади:

*Жараёнларни рақамлаштириш:* солиқ операцияларини автоматлаштириш, маъмурий тўсиқларни камайтириш ва шаффофликни ошириш, бу текширувларни жадаллаштириб, хатоларни камайтиради;

*Процедураларни соддалаштириш:* ҳисобот топширишни енгиллаштириш ва мажбуриятларни бажариш учун учун солиқ солиқ ахборотининг очиқлиги;

*Шаффофлик:* солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасида ҳуқуқбузарликларни камайтириш ва ишончни ошириш учун жараёнлар очиқлиги ва коммуникацияларни яхшилаш;

*Солиқлар бўйича саводхонликни ошириш:* солиқ тўловчиларга янги қоида ва имтиёзларни ўргатиш, бу эса хато ва ҳуқуқбузарликларни камайтиради.

*Назоратни яхшилаш:* Ҳуқуқбузарликларни эрта аниқлаш учун хавф-хатарга йўналтирилган ёндашув ва превентив чора-тадбирларни жорий қилиш.

*Ихтиёрий риоя қилишни рағбатлантириш:* солиқ тўловчиларни ўз мажбуриятларини ихтиёрий равишда бажаришларига жалб қилиш учун шароит яратиш.

*Мослашувчан солиққа тортиш тизими:* солиқларни солиқ тўловчилар эҳтиёжларига мослаштириш, кичик бизнес, старт-ап ва ижтимоий аҳамиятга эга бўлган корхоналарни қўллаб-қувватлаш учун имтиёзлар жорий этиш.

*Ҳуқуқбузарликларга қарши кураш:* солиқ тўлашдан бош тортганлик учун жазо чораларини кучайтириш, терговлар самарадорлигини ошириш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари билан ўзаро ҳамкорликда ишлаш.

*Солиқлар бўйича маслаҳатчилар институтини ривожлантириш:* Сертификатланган маслаҳатчиларни шакллантириш ва солиққа оид масалаларда кўмак бериш учун уларнинг фаолиятини стандартлаштириш.

*Рақамли инфратузилмани ривожлантириш:* Ҳужжатларни тўлиқ электрон шаклда топшириш, идораларнинг ўзаро фаолияти ва ҳуқуқбузарликларни тезкор аниқлаш учун марказлаштирилган маълумотлар базаси.

Самарали солиқ маъмуриятчилиги бизнесни ривожлантириш, инвестициялар ва солиқ маданиятини оширишни рағбатлантириб, давлатнинг барқарор бўлишига ёрдам берадики, бу ижтимоий-иқтисодий дастурларни амалга ошириш учун ресурслар билан таъминлайди.

Умуман олганда, айнан солиқ маъмуриятчилиги давлатнинг молиявий барқарорлигини шакллантиришда муҳим роль ўйнайди, ва бунда ижтимоий-иқтисодий дастур ва лойиҳаларни амалга ошириш учун зарур ресурслар билан таъминлайди.

Диссертациянинг **“Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигининг замонавий ҳолатини таҳлил қилиш.”** номли иккинчи бобида муаллиф солиқ маъмуриятчилигининг ҳозирги ҳолатининг таҳлили, солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини баҳолаш усуллари таҳлили, солиқ маъмуриятчилигини ислоҳ қилиш стратегияси таҳлилин амалга оширди. Солиқ маъмуриятчилиги давлат бошқарувининг бир қисми ҳисобланади. Бошқача айтганда, солиқ маъмуриятчилиги солиққа тортиш соҳасида давлат бошқарувининг услуги ҳисобланади ва механизми бюджетга солиқ тушумларини ишончли таъминлашга қаратилган давлат солиқ сиёсатини амалга оширишга ёрдам беради.

Солиқ маъмуриятчилигидаги мавжуд муаммоларни ҳал қилиш учун биз томонимиздан қуйидаги комплекс чора-тадбирлар таклиф қилинади:

1. Рақамли технологияларни жорий этиш ва солиқ жараёнларини автоматлаштириш, хизматлар ва ахборотга кириш учун онлайн-платформалар яратиш.

2. Солиқ процедураларини соддалаштириш, декларациялар ва ҳисоботларни тақдим этиш учун электрон ҳужжат айланмаси ва онлайн хизматларни жорий этиш.

3. Солиқ имтиёзлари учун аниқ мезонлар ва уларнинг мониторинги ҳамда баҳолаш учун механизмлар ишлаб чиқиш.

4. Шикоят ва таклифлар учун онлайн-платформалар жорий этиш, солиқ интизомини яхшилаш бўйича ташаббусларни қўллаб-қувватлаш.

5. Дастурий таъминот учун ягона стандартлар яратиш, солиқ тўловчи ва солиқ органлари ўртасида маълумот алмашинувни яхшилаш.

6. Давлат идоралари ўртасидаги ҳаракатларни мувофиқлаштириш учун ягона ахборот платформасини яратиш ва мунтазам кенгашлар ўтказиш.

2023 йилдан бошлаб, Ўзбекистон Республикасида “Ўзбекистон-2030” стратегияси доирасида солиқ маъмуриятчилиги ислоҳоти давом этмоқда. Асосий йўналишлар қуйидагиларни ўз ичига олган:

*солиқ мажбуриятлари мониторинги:* солиқ мажбуриятларини янада аниқ ва ўз вақтида кузатиб бориш учун янги воситалар татбиқ этиш, бу солиқ интизомини ошириш ва солиқ тўлашдан бош тортиш ҳолатларининг камайишига олиб келади;

*юримдик шахслар учун аванс тўловлари жорий этиши:* юримдик шахсларга аванс тўловлари киритиш имконияти тақдим этилади, бу эса солиқ тўлаш жараёнини анча соддалаштириб, бизнесга бўлган юкломани камайитириш имконини беради;

*2030 йилгача истиқбол режалари солиқ жараёнларини* янада жадал рақамлаштириш, интеграцияланган ахборот тизимларини ривожлантириш, идоралараро ўзаро фаолиятни такомиллаштириш ва солиқ тизимининг шаффофлигини оширишни кўзда тулади. Бу чора-тадбирлар Ўзбекистонда бизнес юритиш учун янада қулай ва самарали муҳит яратишга қаратилган;

Хулоса қилиш мумкинки, Ўзбекистон Республикасида ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг жорий босқичида солиқ маъмуриятчилигининг самарали механизминини яратиш биринчи галдаги вазифалардан биридир. Экологик вазиятнинг ёмонлашуви, аҳолининг реал даромадлари пасайиши каби янги таҳдидлар шароитларида бюджет харажатларининг сезиларли даражада орттириш талаб этилади.

2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси доирасида солиқ юкини камайитириш кўзда тутилган. 2023 йилдан ҚҚС ставкаси 12% га туширилди, 2025 йилдан банк, молия ва телекоммуникация соҳаларида даромад солиғи ставкалари 15% гача тушади. Стратегиянинг мақсади 2026 йилга қадар бизнесга юкломани ЯИМ 27,5% дан 25% гача камайитиришдир. 2022 йилда 1 апрелдан бошлаб фарзандлари хусусий мактабгача таълим муассасалари ва мактабларга қатнайдиган ота-оналарнинг 3 миллион сўмгача даромад солиғидан озод қилинди.

Муаммоларни ҳал қилиш учун қуйидагиларни амалга ошириш зарур:

*солиқ юкини камайитириш:* аста-секин бизнес ва фуқаролар солиқ юкломасини камайитириш;

*солиқ тизимини соддалаштириш:* солиққа тортишни янада тушунарли ва очик қилиб, маъмурий тўсиқларни камайитириш;

*маъмуриятчиликни такомиллаштириш:* назоратнинг самарадорлиги ва шаффофлигини ошириш учун замонавий технологияларни жорий этиш.

Бу чора-тадбирлар иқтисодиётни мустаҳкамлайди, инвестицион муҳитни яхшилайдди ва ижтимоий-иқтисодий дастурларни қўллаб-қувватлаш учун барқарор солиқ тушумларини таъминлайди (2-жадвал):

Ўзбекистон Республикасида солиқ тизимини ислоҳ қилиш жадвали<sup>9</sup>

№	Ислоҳотларга қадар солиқ тизимининг муаммолари	Солиқ тизими ислоҳ қилиш йўналишлари
1	Рақамлаштириш заифлиги сабабли солиқ маъмуриятчилиги шаффофлигининг заифлиги	АКТ ни жорий қилиш ва автоматлаштириш, электрон хизмат кўрсатишга ўтиш
2	Солиқ органларининг солиққа тортиш базасини кенгайтиришга тўқинлик қилаётган эскирган тузилмаси	Солиққа тортиладиган объектларни ҳисобга олишни янгилаш ва маълумотлар аниқлиги учун масъулиятни ошириш
3	Солиқ муносабатлари ва тушумларни башоратлашни таҳлил қилишнинг етарли эмаслиги	Солиқ тўловчилар ни қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва ҳуқуқий маданиятни ошириш
4	Солиқ қоидалари бузилишларини аниқлаш самарадорлигининг пастлиги	Солиққа тортиш базасини тизимли макроиктисодий таҳлил орқали кенгайтириш
5	Солиқ низоларининг судгача тартибга солиш ишининг яхши ривожланмаганлиги	Фаол бўлмаган ва зиёнга ишлаётган корхоналарни реабилитация қилиш
6	Солиққа тортиш тизимининг мураккаблиги ва унификацияланмаганлиги	Молия органлари ва маҳаллий ҳокимият билан ҳамкорликни кенгайтириш
7	Солиқ органлари иши устидан ташқи назорат ўрнатилмаганлиги	Юксак маънавий фазилатларга эга бўлган малакали кадрларни танлаб олиш
8	Солиқ тўловчилар ҳуқуқий маданияти даражасининг пастлиги	Солиқ тўловчиларни ўқитиш ва уларнинг хабардорлигини ошириш
9	Бозор ва савдо мажмуалари устидан назоратнинг заифлиги	Маҳаллий бюджетларга тушумларни ошириш учун назоратни кучайтириш
10	Солиқ органлари ходимлари учун моддий рағбатларнинг етарли эмаслиги	Солиқлар йиғилишини яхшилаш учун рағбатлар ва коррупцияга қарши кураш тизимини жорий этиш

Ўзбекистонда солиқ соҳасида асосий ахборот тизимлари жорий этилган:

*Soliq.uz мобил иловаси:* 2020 йилда ишга туширилган бу илова жисмоний ва юридик шахслар учун электрон хизматлар тақдим этади, солиқ тўлаш, онлайн НКА (назорат-касса аппарати) чекларни рўйхатдан ўтказиш ва шахсий ҳисоб рақамларига киришнинг очиклиги кабилар ҳам шулар жумласига киради. У айниқса карантин вақтида жуда қўл келди.

*Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш:* 2023 йилда Вазирлар Маҳкамаси замонавий АКТ ларни жорий этиш ҳақида қарорни тасдиқлади, дата-марказларни модернизациялаш, серверларни янгилаш, тизимларни интеграция қилиш ва электрон хизматларни яхшилаш ана шулар жумласидандир. Ушбу стратегия доирасида минтақавий даражада ҚҚС маъмуриятчилиги такомиллаштирилди.

<sup>9</sup> 2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси маълумотлари асосида тузилди.

*Электрон ҳисоб-фактуралар:* 2020 йилдан уларни тадбиркорларнинг ўзаро ҳисоб-китоблари тизимида фойдаланишнинг мажбурий тартиби жорий этилди. Улар шартноманинг иккала томонлари тарафидан тасдиқланади, бунда ҳисоботларнинг айнан бир хиллиги таъминланиб, ҚҚС занжирида узилишлар истисно қилинади.

2022 йилда давлат ислоҳотларининг асосий устувор йўналишларидан бирига айланган тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масаласини ҳал қилиш ва чуқур ишлаб чиқишга киришилди. Бу ерда ўтказилаётган ислоҳотлар давомида асосий эътибор “Солиқчи – тадбиркорга кўмакчи” тамойилига қаратилди. Ўтказилаётган ислоҳотлар ва ишлаб чиқиладиган концепцияларда аввало қуйидагилар кўзда тутилди:

- солиқ юкмасини оптимал равишда камайтириш;
- давлат солиқ органлари ва солиқ тўловчилар ўртасидаги ўзаро муносабатларни тартибга солиш;
- солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш;
- солиққа тортиш жараёнида харажатларни қисқартириш.

2024 йилда Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмурчилигида қуйидаги асосий ислоҳотлар амалга оширилди:

- камерал солиқ текширувлари натижасида қўшимча ҳисобланган солиқларни бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти яратилди.

- солиқ органлари томонидан текширув даври 5 йилдан 3 йилга қисқартирилди.

- Қўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) бўйича айрим имтиёзлар бекор қилинди.

- чет эллик якка тартибдаги тадбиркорлар ҚҚС тўловчилари сафига киритилди.

Кейин, солиқ маъмуриятчилигининг ҳозирги ҳолатини фискал самара кўрсаткичи ёрдамида таҳлил қилиш (3-жадвал).

### 3-жадвал

#### Ўзбекистонда солиқ гуруҳлари бўйича солиқларнинг фискал самараси (йиғим даражаси)<sup>10</sup>

(фоизда)

Солиқ турлари	2019 йил	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил	2019 йилга қиёслаганда 2023 йилдаги ўзгаришлар (+,-)
Бевосита солиқлар	94,8	95,6	96,7	102,3	113,4	+18,3
Билвосита солиқлар	91,6	88,6	89,9	97,8	116,7	+25,1
Ресурс тўловлар ва мулк солиғи	89,0	91,2	91,8	104,9	117,4	+28,4

<sup>10</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган.

Ўзбекистонда 2019 йилдан 2023 йилгача бўлган даврда барча турдаги солиқлар бўйича тушумларнинг сезиларли даражада ўсиши кузатилди. Тўғридан тўғри солиқлар 94,8 бирликдан 113,4 бирликкача кўпайиб, 18,3 бирлик ёки 19,3% ўсишни ташкил қилди. Бу солиқ интизомининг яхшиланиши, аҳоли ва корхоналар даромадларининг ўсиши, шунингдек, солиқ маъмуриятчилиги механизмларининг такомиллаштирилиши билан боғлиқ бўлди. Ушбу солиқ турлари бўйича ўсиш суръатлари барқарор қолмоқда, бу давлатнинг асосий даромад манбаларининг барқарор ривожланишини кўрсатади.

Билвосита солиқлар 91,6 бирликдан 116,7 бирликкача ошди, яъни 25,1 бирлик ёки 27,4% ўсиш кузатилди. Бу ўсиш истеъмол фаолигининг ошиши, савдо ва хизмат кўрсатиш соҳалари айланмаси ўсиши, шунингдек, ҚҚС ва акцизлар ставкаларидаги ўзгаришлар билан изоҳланди. Билвосита солиқлар ўсишининг динамикаси ушбу даромад манбасининг бюджет учун аҳамияти ва унинг иқтисодий шароитларга боғлиқлигини таъкидлайди.

Энг юқори ўсиш ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи бўйича кузатилди. Таҳлил қилинаётган даврда уларнинг ҳажми 89,0 бирликдан 117,4 бирликкача кўпайиб, 28,4 бирлик ёки 31,9% ўсишни ташкил қилди. Бу табиий ресурслардан фойдаланиш учун ставкаларнинг кўпайиши, мол-мулк қийматининг ошиши, шунингдек, ушбу солиқларни йиғиш бўйича назоратнинг кучайтирилиши билан боғлиқдир.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини ошириш учун нафақат йиғилган солиқлар ҳажмини кенгайтириш, балки солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳаракатнинг юқори даражасини таъминлаш, жараёнларнинг шаффофлиги ва автоматлаштирилишини қўллаб-қувватлаш керак. Баҳолаш мезонлари ва усулларини ишлаб чиқишга комплекс ёндашув самарадорликни янада аниқ белгилаш ва янада такомиллаштириш учун йўналишларни аниқлаш имконини беради.

Шаффофликни ошириш солиқ тўловчилар ўз мажбурият ва ҳуқуқларини яхшироқ тушунишлари учун очиклик ва аниқликни таъминлашни талаб этади. Жараёнларни автоматлаштириш замонавий рақамли технологияларни жорий этишни кўзда тутадик, бу солиқ органларига маъмурий юкломани қисқартириш ва хатолар сонини камайтириш имконини беради.

Молиявий кўрсаткичлар ҳисобланган ва йиғилган солиқлар суммасини, шунингдек, қарздорлик даражасини ифодалайди. Хизмат кўрсатиш сифати сўровномалар орқали солиқ тўловчиларнинг қаноатланганликлари ва сўровларнинг ишланишига сарфланган вақт билан белгиланади. Операцион кўрсаткичлар ҳисобдорликнинг аниқ ва ўз вақтида бўлиши, автоматлаштириш даражасини ўз ичига олади. Регулятор кўрсаткичлари қонунчиликка риоя қилиш ва солиқ назоратининг самарадорлигини баҳолайди (4-жадвал).

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини баҳолаш усуллари<sup>11</sup>

Усулларнинг муаллифлари	Усуллар гуруҳлари	Усулнинг тавсифи	Формула/кўрсаткичлар
И.А.Иванова, Т.А.Ефремова	Биринчи гуруҳ	Солиқ тўловчилар тўлаган мустақил ҳисобланган солиқлар улушини кўрсатувчи солиқларни ҳисоблаш коэффициенти орқали баҳолаш	
С.П.Косарин, Ю.А.Лебедева, И.В.Милькина		Солиқларнинг йиғилувчанлик коэффициенти орқали самарадорликни баҳолаш	$КС=П/НП$ , бу ерда: КС-Солиқларнинг йиғилувчанлик коэффициенти; П-солиқ тушумлари ҳажми; НП-худуднинг солиқ салоҳияти
В.К.Гираев		Йиғилувчанлик ва бюджетга тушумни ҳисобга олувчи солиқ маъмуриятчилигининг самарадорлиги коэффициенти	$КЭ=П/НП \times НП/З$ , бунда: КЭ-иктисодий самарадорлик коэффициенти; П-тушумлар; НП-солиқ салоҳияти
А.Б.Анисимов, Ю.Б.Мельников		Фойдаланилмаган салоҳият индикатори сифатида келиб тушиши кутилаётган ва амалда келиб тушган солиқлар ўртасидаги фарқ орқали баҳолаш	
Ўзбекистон Республикаси ДСҚ	Иккинчи гуруҳ	Солиқ органларининг назорат ишини баҳолашнинг комплекс усули	Солиққа тортиладиган база ўзгаришлари; қўшимча устамаларнинг аввалги даврлар билан нисбати; текширилган тўловчиларнинг солиштирма нисбати; Мурожаатлар ва арбитражларни баҳолаш

2008 йилда ЎзР ДСҚ нинг буйруғи билан ЎзР ДСҚ вилоят бошқармалари назорат ишларининг самарадорлигини қуйидаги параметрлар бўйича баҳолаш услуби тасдиқланди (2-расм)<sup>12</sup>.

Баҳолаш параметрлари	Тавсифи
Назорат ишининг умумий самарадорлиги	Солиқ органларининг назорат тадбирлари умумий натижадорлигини баҳолаш
Камерал солиқ текширувларини ташкил этиш	Камерал солиқ текширувлари сифати ва натижадорлигини баҳолаш
Сайёр солиқ текширувларини ўтказиш	Сайёр текширувлар ўтказиш самарадорлиги ва уларнинг натижалари таҳлили
Солиқ ҳисобдорлиги бўйича ўзаро ҳаракат	Ҳисоботни топшириш масалалари бўйича солиқ тўловчилар билан ўзаро ҳаракатларни баҳолаш
НКМ дан фойдаланиш қоидаларига риоя қилиш устидан назорат олиб бориш	Назорат-касса машиналаридан фойдаланиш бўйича қонунчиликка риоя қилиниши устидан назорат бўйича ишни баҳолаш (НКМ)

**2-расм. Солиқ органининг ўрганилаётган назорат иши самарадорлигини баҳолаш усулининг моҳияти**

<sup>11</sup> Муаллиф томонидан нашрлар умумлаштирилган ҳолда тузилган.

<sup>12</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

Сўнги йилларда маълумотларни қайта ишлаш сифатида дастурий маҳсулотлардан тобора кўпроқ фойдаланилмоқда. Масалан, Солиқ қўмитасида 87 та дастурий маҳсулот жорий этилиб, фаолиятда фойдаланилмоқда.<sup>13</sup> Дастурий тизимни унификациялаш ва оптималлаштириш мобайнида 29 та дастурий тизим фойдаланишдан чиқарилди. Диссертация иловасида ҳозирги кунда фойдаланилаётган дастурий маҳсулотлар рўйхати келтирилган.

Солиқ маъмуриятчилигини оптималлаштириш даражасини солиқ органлари таъминоти ва тегишли бюджетларга келиб тушган солиқ тушумлари нисбати нуқтаи назаридан тадқиқ этиш мақсадга мувофиқ.

Солиқ тизимининг фискал самарадорлиги маъмуриятчиликка харажатларга солиқ тушумлари нисбати сифатида ўлчаниши мумкин.

$$ФС = СТХ / МХ, \quad (1)$$

бунда СТХ - солиқ тушумлари ҳажми, МХ - маъмуриятчиликка сарфланган харажатлар, ФС - Фискал самарадорлик коэффициенти (5-жадвал).

#### 5-жадвал

#### Ўзбекистон Республикаси солиқ тизимининг фискал самарадорлиги кўрсаткичлари<sup>14</sup>

Йил	ЎЗР умумий бюджетининг солиқдан тушган даромадлари, млрд. сўм	Солиқ маъмуриятчилигига сарф-харажатлар, млрд. сўм.	Фискал самарадорлик, сўм./сўм.
2019	147 035	1820,2	80,78
2020	160 182	1720,91	93,08
2021*	178 712	1684,7	106,08
2022*	208 371	1791,7	116,3
2023*	238 954	2102,7	113,64

2019–2023 йиллар давомида Ўзбекистоннинг консолидалаштирилган бюджетига солиқ тушумлари 147 035 млрд сўмдан 238 954 млрд сўмгача ўсди, фискал самарадорлик эса 2022 йилда 80,8 дан 116,3 га кўтарилиб, 2023 йилда 113,6 га тушди. Солиқ маъмурияти харажатлари 1 820,2 млрд сўмдан 2 102,7 млрд сўмга ошганига қарамай, бошқарув самарадорлигининг ошиши натижасида солиқ тизими самарадорлиги сезиларли даражада яхшиланди.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини йиғилган солиқларнинг уларни йиғишга сарфланган маъмурий сарфларига нисбати орқали ҳисоблаш мумкин.

Солиқ маъмуриятчилиги самарадорлиги кўрсаткичлари тизимларининг амалга оширилган таҳлили асосида солиқ инспекцияси фаолияти самарадорлиги (С) кўрсаткичидан фойдаланиш таклиф этилди. Бу кўрсаткич “соф солиқ даромадлари” - йиғилган солиқлар йиғиндисининг (Й) сарф-харажатларга (уларни йиғишга сарфланган харажатлар айириб ташлаб) нисбати (Х) сифатида ҳисобланади.

<sup>13</sup> 2024 йил ҳолати бўйича Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси маълумотлари.

<sup>14</sup> Муаллиф томонидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари бўйича 2019–2023 йиллар маълумотлари асосида тузилган. [http://www. base.garant.uz](http://www.base.garant.uz)

$$C = (Y - X) / X \quad (2)$$

**6-жадвал**

**2020–2023 йилларда ЯИМ, солиқ тушумлари ва ҚҚС йиғувчанлиги самарадорлиги кўрсаткичлари динамикасининг таҳлили<sup>15</sup>**

млрд сўмда

№	Даромад тури	2020 йил	2021 йил	2022 йил	2023 йил
	<b>ЯИМ</b>	<b>602 551</b>	<b>734 588</b>	<b>888 342</b>	<b>1 192 163,0</b>
1	Солиқ қўмитаси	20 486	25 572	32 812	33 983
2	ЯИМга нисбатан улуши (йиғувчанлик), %	6,7	7,2	8,0	
3	Солиқ ставкаси, %	15	15	15	12
4	C-efficiency (йиғувчанлик), %	44,5	48,0	53,7	
5	Жами ҚҚС	31 117	38 439	52 189	57 885,3

Ўзбекистонда Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ) 2020–2023 йиллар давомида 602 551 миллиард сўмдан 1 192 163 миллиард сўмгача ўсди. Бу билан бирга, Солиқ қўмитаси томонидан бошқариладиган солиқ тушумлари ҳам 20 486 миллиард сўмдан 33 983 миллиард сўмгача ошди. Солиқлар ЯИМга нисбатан улуши 2022 йилга келиб 6,7% дан 8,0% га кўтарилди, бу эса солиқ йиғувчанлиги яхшиланганлигини кўрсатади, 2023 йилда солиқ ставкаси 15% дан 12% га пасайганига қарамай.

Кўшилган қиймат солиғи (ҚҚС) йиғувчанлик самарадорлиги (C-efficiency) 2020 йилдаги 44,5% дан 2022 йилга келиб 53,7% гача ошди, бу эса солиқ маъмуриятининг самаралироқ бўлганлигини тасдиқлайди. ҚҚС тушумлари 31 117 миллиард сўмдан 57 885,3 миллиард сўмгача ошди, бу унинг давлат бюджети учун муҳимлигини ва солиқ тизимининг иқтисодиётга қўшаётган хиссаси ошиб бораётганлигини тасдиқлайди.

Жаҳон банки солиқ базасини кенгайтириш ва давлат сектори самарадорлигини ошириш учун Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилигини қўллаб-қувватлайди. Бу норасмий секторга қарши кураш, ишчи ўринлари яратиш ва хизматлар сифатини ошириш демакдир. Ҳамкорлик доирасида солиқ тизимини ривожлантиришга инвестициялар киритишга қаратилган беш йиллик Солиқ маъмуриятчилигини ислох қилиш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Лойиҳа мақсадларидан бири – бу манфаатдор томонларни аниқлаш ва бизнеснинг барқарорлиги ҳамда тараққиётга тадбирларнинг таъсирини баҳолашдир (7-жадвал).

<sup>15</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.


**Ўзбекистон Республикасида солиқ маъмуриятчилиги  
самарадорлигини ошириш мақсадлари<sup>16</sup>**

<b>Компонент</b>	<b>Мақсадлар</b>	<b>Подкомпонентлар</b>
1. Солиқ жараёнларини автоматлаштириш	Солиқ органлари операция фаолияти самарадорлигини ошириш	1.1. Солиқларни бошқаришнинг янги тизимини жорий этиш 1.2. Солиқ органлари учун технологик тузилмани модернизация қилиш 1.3. АТ-бошқарувни ривожлантириш ва солиқ органларида режалаштириш
2. Норасмий иқтисодиётга қарши кураш	Иқтисодиётнинг яширин секторини қисқартиришнинг стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш	2.1. Солиқ соҳасида ҳуқуқни қўллаш чораларини кучайтириш 2.2. Бизнесни расмий олиб бориш солиқ қонунчилигига ихтиёрий равишда риоя қилишни рағбатлантириш 2.3. Бизнес сектори билан шериклик муносабатларини қўллаб-қувватлаш
3. Кадрлар ва институционал салоҳиятни кучайтириш	Солиқ органларининг кадрлар таркиби ва институционал тузилмасини мустаҳкамлаш	3.1. Ходимларни бошқаришнинг институционал самарадорлигини ошириш 3.2. Стратегик мақсадларга эришиш учун ташкилий функцияларни оптималлаштириш 3.3. Солиқ органлари ходимларининг малакасини мунтазам ошириб бориш
4. Лойиҳани бошқаришни қўллаб-қувватлаш	Лойиҳани бошқариш, мувофиқлаштириш ва мониторинг қилишда қўллаб-қувватлаш. Шунингдек, экологик ва ижтимоий стандартларга риоя қилиниши таъминлаш	

Сўровнома кўрсатдики, “рақамли иқтисодиёт” тушунчаси турлича қабул қилинар экан: респондентларнинг 37 фоизи уни технологик инновацияларга боғлиқ, деса, 29 фоизи уни IT соҳаси билан боғлиқ, деб ҳисоблайди, 27% респондент мижозлар технологиялари ва инновацияларга қаратилган янада кенгроқ жиҳатларни назарда тутди. Фақат 7% рақамли иқтисодиётни маълумотлар таҳлили билан боғлиқ, деб айтган.


Ислоҳотларнинг солиқ соҳасида зарурияти солиққа тортиш объектлари сонининг ортиши, жараёнларнинг мураккаблашуви ва солиқ тўловчиларнинг электрон мулоқотни афзал билиши туфайли юзага келди (3-расм).

<sup>16</sup> Муаллиф ишланмаси.



**3-расм. Рақамли компонентларни эътиборга олган ҳолда солиқ маъмуриятчилигида уч томонлама ўзаро боғлиқлик модели<sup>17</sup>**

Давлатнинг ушбу моделдаги асосий вазифаси солиқ маъмуриятчилиги учун мақбул муҳит яратиш орқали ўзаро таъсирнинг инновацион шакллари рағбатлантиришдан иборат (4-расм).



**4-расм. Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш шароитида ўзаро ҳамкорликнинг инновацион шакллари яратишни рағбатлантириш<sup>18</sup>**

<sup>17</sup> Муаллиф ишланмаси.

<sup>18</sup> Муаллиф ишланмаси

**Ўзбекистон Республикаси ялпи ички маҳсулоти ва давлат бюджети даромадлари динамикаси манбалар бўйича тақсимланиши, 2020–2023 йиллар<sup>1</sup> (млрд. сўмда)**

№	Кўрсаткичлар	Сумма	Улуши, %	ЯИМга нисбатан %									
	Ялпи ички маҳсулот (ЯИМ)	602 551,0			734 588,0			888 342,0			1 192 163		
	Давлат бюджети даромадлари	132 938,1		22,1	164 799,4		22,4	201 864,0		22,7	231 721,3		19,4
1	Тўғридан-тўғри солиқлар	45 207	34	7,5	58 930	35,8	8	64 447	31,9	7,3	73 104	32	31,5
2	Бевосита солиқлар	46 428	34,9	7,7	56 290	34,2	7,7	71 390	35,3	8	83 326	36	36,0
3	Ресурс ва мулк солиқлари	21 257	16	3,5	23 036	14	3,1	23 913	11,8	2,7	28 079	12	12,1
4	Бошқа даромадлар ва солиққа оид бўлмаган тушумлар	20 046	15,1	3,3	26 542	16	3,6	42 114	21	4,8	47 212	20	20,4

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

8-жадвал Ўзбекистон ЯИМнинг 2020 йилдаги 602551 млрд сўмдан 2023 йилда 1192163 млрд сўмгача сезиларли ўсганини кўрсатади. Давлат бюджети даромадлари ҳам шу давр мобайнида 132938,1 млрд сўмдан 231721,3 млрд сўмгача ўсган, бироқ уларнинг ЯИМга нисбатан улуши 22,1% дан 19,4% гача пасайган. Тўғридан тўғри ва билвосита солиқлар даромадларнинг асосий манбалари бўлиб қолмоқда. Тўғридан тўғри солиқлар 45 207 млрд сўмдан 73 104 млрд сўмгача ўсган ва уларнинг улуши 32% атрофида барқарор сақланмоқда, бунда билвосита солиқлар ўз улушини 34,9% дан 36% гача ошириб, 2023 йилда 83 326 млрд сўмга етган.

Ресурс солиқлари улуши пасайганига қарамасдан, уларнинг мутлақ қийматлари ўсган. Бу ресурс солиқларининг бюджет тузилишидаги ролини қайта кўриб чиқиш зарурлигини кўрсатади. Бошқа даромадлар ва солиққа оид бўлмаган тушумлар эса энг динамик ўсишни намोён этган: улар 20 046 млрд сўмдан 47 212 млрд сўмгача кўпайиб, бюджетдаги улуши 15,1% дан 20% гача ўсган. Бу ўзгаришлар солиққа оид бўлмаган манбаларни бошқаришни яхшилаш ва бюджетни диверсификация қилиш натижаларини кўрсатади.

Шу билан бирга, бюджет даромадларининг ЯИМга нисбатан улушининг пасайиши солиқ-бюджет сиёсатини, айниқса, тўғридан тўғри ва ресурс солиқлари борасида самарадорлигини ошириш аҳамиятини, шунингдек, иқтисодиётнинг барқарор ривожланишини рағбатлантириш зарурлигини таъкидлайди.

Тадқиқот ишининг **“Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш йўналишлари”** номли учинчи бобида глобал кризис ва пандемиядан кейинги шароитларда солиқ маъмуриятчилиги тизимини рақамлаштириш масалалари, бошқарув солиқ тизимининг маҳаллий бюджетлар соҳасида самарали маъмуриятчилиги амалга оширилганда иқтисодий ўсиш йўллари очиб берилган.

Солиқ маъмуриятчилигини модернизация қилиш ҳукуматнинг асосий вазифаларидан ҳисобланади, чунки солиқлар давлатнинг асосий даромад манбаидир. Барқарор ва самарали солиқ тизимини давлат ва фуқаролар ўртасида жамоатчилик шартномасига асосланган адолатли солиққа тортиш шарти билан қуриш мумкин. Бундай ёндашув иқтисодиёт ва инфратузилмани ривожлантиришга ёрдам беради.

Адолатли солиққа тортишнинг асосий тамойилларидан бири солиқ юкининг солиқ тўловчи имкониятларига мувофиқлиги ҳисобланади. Давомий солиқ даврлари анча солиқ мажбуриятлари тўпланиб қолишига олиб келади, бу эса молиявий қийинчиликлар туғдириб, қарз олишга мурожаат қилишга мажбур қилади. Давлат учун солиқ ставкаларининг нисбий ҳажми даромадли бюджет, иқтисодиётнинг ўсишини қўллаб-қувватлаш, инфратузилмани ривожлантириш ва ижтимоий хавфсизлик ҳамда мудофаани таъминлаш учун самарали солиқ йиғишдек муҳим эмас. Солиқ тўлашдан бош тортиш ёки имтиёзлар тақдим этиш билан боғлиқ бўлган қонуний хатоликлар туфайли солиқ узилишларини қисқартириш солиқларнинг йиғилувчанлиги ва солиқ тизимининг умумий самарадорлиги ортишига олиб келади (9-жадвал).

**Солиқда узилишларнинг потенциал сабаблари ва солиқда  
узилишларни камайтиришнинг афзалликлари<sup>1</sup>**

Солиқ	Саноат	Солиқда узилишлар сабаблари	Минималлаштириш учун ечимлар	Потенциал натижалар
Акциз	B2B	Импорт учун камайтирилган харажатлар, камайтирилган даромад, контрафакция	Миллий кузатув тизими	70% гача товарларнинг алоҳида тоифалари бўйича акцизлар йиғишнинг ўсиши
ҚҚС / савдодан солиқ	B2B	Оширилган солиқ солиқ чегирмаларининг тузатишлари	Барча ҚҚС электрон ҳисоб-фактураларини солиқ органларига мажбурий тартибда тақдим этиш	ҚҚС йиғилувчанлигининг 150% гача ортиши
	B2C (чакана савдо)	Камайтирилган даромадга тузатишлар киритиш	Онлайн электрон касса аппаратлари (OECR)	ҚҚС йиғилувчанлигининг 150% гача ортиши
	B2C (чакана савдо) онлайн)	Оффшор амалиёт (онлайн-платформа, хизматларни етказиб берувчи) солиқ декларацияларини тақдим этмаслик (масалан, Uber ҳайдовчиси томонидан)	Савдода солиқ маъмуриятчилигини амалга ошириш учун рақамли платформа B2C ва C2C	ҚҚС йиғилувчанлигининг 150% гача ортиши
Ўз-ўзини банд қилганлар ва хусусий тадбиркорлар учун даромад солиғи	B2C, C2C (ўз-ўзини банд қилганлар ва тадбиркорлар)	Камайтирилган даромад Солиқ декларациясини тақдим этмаслик	Онлайн-иқтисодиёт ва ўз-ўзини банд қилганлар учун рақамлаштирилган солиқ маъмуриятчилиги (B2C, C2B & C2C)	Рўйхатга олинган ШИР лар сони вва йиғилаётган солиқларнинг ортиши/ 100% гача
Корпоратив даромад/Даромад солиғи	B2B	Камайтирилган даромад, ошириб кўрсатилган сарф-харажатлар, импортга орттириб кўрсатилган харажатлар	Солиқда узилишларни аниқлаш ва бартараф қилиш учун маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш	Солиқларда узилишларнинг 10-30 % га қисқариши
Жисмоний шахслардан даромад солиғи/ Иш хақиға солиқлар	B2B	Камайтирилган даромад Солиқ декларациясини тақдим этмаслик	Солиқда узилишларни аниқлаш ва бартараф қилиш учун маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш	Солиқларда узилишларнинг 10-30 %м га қисқариши
Мулк солиғи	B2B, B2C	Солиқ декларациясини тақдим этмаслик	Солиқда узилишларни аниқлаш ва бартараф қилиш учун маълумотлар тизимини ишлаб чиқиш	Солиқларда узилишларнинг 10-30 % га қисқариши

<sup>1</sup> Муаллиф ишланмаси.

Узилишлар таҳлили барча солиқларни қамраб олиши керак. Солиқ тушумлари резервларини аниқлаш ва хатоларни бартараф қилиш солиқ тизимида ўзаро боғлиқликларни таҳлил қилишни талаб этади. Солиқ узилишини баҳолашни солиқ органларининг ўзига топшириш манфаатлар тўқнашувига олиб келиши мумкин. Мазкур муаммони ҳал қилиш учун солиқ узилишини баҳолаш, самарадорлик кўрсаткичларини ишлаб чиқиш ва солиқ органлари иши устидан назорат ўрнатиш учун мустақил таҳлил гуруҳини ташкил этиш лозим.

Ўзбекистоннинг узоқ муддатли иқтисодий ўсиши фан, таълим ва юқори технологиялар каби асосий секторларнинг ривожлантирилишига боғлиқ. Самарали солиқ тизими солиқ рағбатлари орқали инновациялар ва илмий ишланмаларни қўллаб-қувватлаган ҳолда иқтисодий ўсишни жадаллаштириши мумкин.

Глобал рақобатбардошлик индекси (ITCI) солиқ тизимларини оддийлик, солиқ ставкалари ва даромадни солиққа тортиш каби параметрлар бўйича баҳолайди. Бу индекс замонавий технологиялар туфайли солиқ харажатларини оптималлаштириш учун тезкор равишда юрисдикцияни ўзгартира оладиган халқаро бизнес қарорларига таъсир кўрсатади.

Айланмаси 1 млрд сўмдан ошган ва умумий тартибдаги солиққа тортиш режимига ўтган корхоналар йил давомида даромад солиғини икки баробар кам тўлашлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Президенти маърузаларида “...ўрта корхоналар сонини 3,5 дан 10,0 мингтагача етказиш вазифасини топширган”. Уларга расмда ифодаланганидек, имтиёзлар тақдим этилади (5-расм).

1	2	3	4
Кичик бизнесдан ўрта бизнесга ўтган корхоналар 2 йил давомида даромад солиғининг 50% ни тўлайди	Мулк суғуртаси солиғининг 50% давлат томонидан қоплаб берилади	Соддалаштирилган солиқ, молия ва статистик ҳисобдорлик жорий этилади	Давлат харидлари учун 20% квота белгиланади. Ушбу давлат харидлари доирасида 50%; миқдорда аванс тўланади

5-расм. 2023 йилда Ўзбекистонда ўрта бизнесга тақдим этилган имтиёзлар<sup>2</sup>

Ўзбекистонда солиқ маъмуриятчилиги шаффофлиги ва самарадорлигини ошириш мақсадида замонавий электрон тизимлар ва онлайн воситалар фаол жорий қилинмоқда. Буларнинг асосий ечимларидан бири сифатида 2022 йилдан солиқ тўловчилар учун мажбурий бўлиб қолган E-aktiv ва E-Ijara тизимлари айтиб ўтилмоқда.

**E-aktiv** тизими асосий воситалар, товар-моддий захиралар ва номоддий активларни ҳисобга олиш учун мўлжалланган. Ушбу тизимдан фойдаланиш ҳисобига ҳисоб-китобларнинг шаффофлиги ошади, солиқ хавфлари камаяди ва корхоналар мулки ҳолати бўйича маълумотларнинг ишончилиги таъминланади.

<sup>2</sup> [https://gk-usbekistan.de/ru/2022/08/23\\_source=chatgpt.com](https://gk-usbekistan.de/ru/2022/08/23_source=chatgpt.com)

**E-Ijara** тизими кўчмас мулкни ижарага бериш шартномаларини рўйхатдан ўтказиш жараёнини автоматлаштиради. Рўйхатдан ўтказилган ижара шартномаси ёки ўз мулкига эга бўлмаган солиқ тўловчилар, риск-анализ тизими томонидан ўз жойлашган ҳудудида кўчмас мулкка эга бўлмаган солиқ субъектлари сифатида таснифланиши мумкин. Бу эса эҳтимолий хавфларни аниқлаш ва қонунбузарликларнинг олдини олиш имконини беради.

Солиқ органлари билан ҳамкорликни соддалаштириш мақсадида **my.soliq.uz** электрон солиқ хизматлари портали ишлаб чиқилган. У солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини топшириш, қарздорлик йўқлиги ҳақида маълумотномалар олиш, ижара шартномаларини рўйхатдан ўтказиш ва солиқлар ҳақида долзарб маълумотларни олиш имкониятини беради. Бу портал солиқ инспекцияларига шахсан ташриф буюриш заруратини камайтиради ва бу орқали фуқаролар ҳамда бизнес учун вақтни сезиларли даражада тежайди.

## 10-жадвал

### Солиқ чора-тадбирлари орқали иқтисодий ўсишни рағбатлантириш стратегияси<sup>3</sup>

Стратегия элементи	Тавсифи	Натижа
<b>Биринчи элемент</b>	Иқтисодий ўсишни секинлаштирувчи тўсиқларни бартараф этиш: 1. Солиқ юкининг секторнинг рағбатлантиришга нисбатан сезгирлигига таъсири; 2. Бюджет йўқотишлари сабабли чекланган солиқ имтиёзлари; 3. Рағбатлантиришнинг тор тармоқ йўналиши; 4. Рағбатлантиришнинг самарадорлигини солиқ органлари томонидан баҳолаш.	Солиқ имтиёзларини ишлаб чиқишда ушбу омилларни ҳисобга олиш иқтисодий ўсишни тезлаштиради ва давлат бюджети даромадларини оширади.
<b>Иккинчи элемент</b>	Иқтисодиётнинг турли тармоқларида мавжуд солиқ имтиёзларини таҳлил қилиш ва тартибга солиш.	Солиқ имтиёзларини оқилona қўллаш бюджет йўқотишларини аниқроқ баҳолашга олиб келади.
<b>Учинчи элемент</b>	Ўзбекистон солиқ тизимининг иқтисодий ўсиш талабларига мувофиқлигини таҳлил қилиш ва уни такомиллаштириш бўйича таклифлар.	Иқтисодиётнинг барча тармоқларида барқарор ўсишга эришиш, юқори фаол ва инновацион соҳаларда солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш.
<b>Тўртинчи элемент</b>	Иқтисодиётнинг ҳар бир тармоғининг ўзига хос хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда энг мақбул солиқ имтиёзларини белгилаш.	Аниқ солиқларга қаратилган солиқ имтиёзлари самарадорлигини ошириш.
<b>Бешинчи элемент</b>	Ҳудудий миқёсда солиққа тортиш чора-тадбирлари самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш, жумладан: - рағбатлантириш самарадорлигини таҳлил қилиш методологияси; - рағбатлантириш самарадорлигини баҳолаш; - турли ҳудудларда уларнинг самарадорлигини баҳолаш.	Ушбу усулларнинг жорий этилиши солиқ имтиёзларининг турли ҳудудларда иқтисодий ўсишга таъсирини янада аниқроқ баҳолаш ва яхшилаш имконини беради.

<sup>3</sup> Ўзбекистон Республикаси Солиқ қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф ишланмаси.

**Soliq mobil ilovasi** ушбу жараёни тўлдириб, солиқларни тўлаш, ўзини-ўзи банд қилишни рўйхатдан ўтказиш, қонунбузарликлар бўйича шикоятлар бериш ва бошқа хизматларга қулай киришни таъминлайди. Шунингдек, **my.gov.uz** ягона интерактив давлат хизматлари порталида ўзини-ўзи банд қилган шахсларни рўйхатдан ўтказиш, декларацияларни топшириш ва бошқа солиқ хизматлари мавжуд.

Ушбу тизимларни жорий этиш солиқ тизими фаолиятини яхшилаш билан бир қаторда, давлат институтларига бизнес ва фуқаролар ишончини мустаҳкамлади. Бу эса Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланиши ва рақамлилашуви учун қулай муҳит яратишга хизмат қилмоқда.

Солиқларни рағбатлантириш стратегияси ягона бўлиши ва инновацион иқтисодиётни ривожлантириш учун шароит яратишга қаратилган бўлиши керак. Ҳозирги вақтда солиқ сиёсати изчилликнинг мавжуд эмаслиги ва инновацияларни қўллаб-қувватламасликдан азият чекмоқда, бу эса унинг самарадорлигини пасайтиради.

Соҳавий рағбатлантиришдан кўра самаралироқ чора-тадбирлар институционал чекловларни олиб ташлаш ва тармоқлар ўртасидаги солиқ юкни тенглаштиришдир. Инфратузилма, инсон капитали ва тадқиқотларга қаратилган горизонтал солиқ имтиёзлари иқтисодий ўсишга янада сезиларли таъсир кўрсатади.

## ХУЛОСА

Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилиги соҳасида олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги илмий хулосалар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

### **I. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилиги назариясини ривожлантириш бўйича илмий-назарий хулосалар:**

Муаллиф томонидан умидсиз солиқ қарзларини ҳисобдан чиқаришни бекор қилиш тартиби ишлаб чиқилган бўлиб, бу яширин иқтисодиётга қарши курашиш ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштиришда муҳим қадам ҳисобланади. Ўзбекистон Солиқ кодексига кўра, қарзни умидсиз, деб тан олиш ва уни ҳисобдан чиқариш тартиби қонун билан тартибга солинади. Яширин иқтисодиётни қисқартириш бўйича давлат сиёсати муҳим аҳамиятга эгадир.

Маъмурий самарадорликни ошириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва ишбилармонлик муҳитини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни ҳисобга олган ҳолда солиқ тўловчилар қониқишини комплекс баҳолаш методологияси тақдим этилган. Солиқ органлари қонун ҳужжатларига риоя этилишини ва солиқ ҳисоб-китобларининг тўғрилигини назорат қилишлари шарт. Бюджет шаффофлигини ошириш, солиқ солинадиган базанинг мослашувчанлигига асосланган бухгалтерия ҳисобига ўтиш ва солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш самарали бошқарувга хизмат қилади.

Банкрот дебиторларни мониторинг қилишнинг автоматлаштирилган назорат тизими (АНТ) ва солиқ тўловчилар билан онлайн мулоқотнинг жорий этилиши

маъмуриятчилик самарадорлигини оширади ва қонунга бўйсунувчи солиқ тўловчиларни ҳимоя қилади. Банкротлик жараёнларини автоматлаштирилган қўллаб-қувватлаш концепцияси ахборот технологияларидан фойдаланишга асосланган. Солиқ маъмуриятчилигини рақамлаштириш, шу жумладан, электрон ўзаро ҳамкорлик қилиш бўйича ишлаб чиқилган ёндашувлар тадбиркорликни ривожлантириш учун шарт-шароит яратади. Рақамли иқтисодиёт шароитларида электрон технологиялардан фойдаланган ҳолда хизмат кўрсатишга йўналтирилган маъмуриятчилик солиққа оид бошқарувни такомиллаштиради.

## **II. Иқтисодиётни рақамлаштириш шароитида солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича таклифлар:**

Ривожланган мамлакатлар хизматларни мониторинг қилиш, миқдорга йўналтирилган дизайнни ишлаб чиқиш, рақамли муҳитда солиқ тўловчиларни хабардор қилиш ва қўллаб-қувватлаш учун солиқ маъмуриятчилигида рақамли технологиялардан фойдаланади.

Ўзбекистонда солиқ хизматларини рақамлаштириш йўлидаги асосий тўсиқлар: АКТдан фойдаланишнинг чекланганлиги, жорий этишнинг юқори харажатлари, хизматларнинг техник камчиликлари ва солиқ тўловчиларнинг анъанавий одатлари.

Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни давлат томонидан тартибга солиш солиқ имтиёзларини ўз ичига олади, улар бюджет даромадларининг камайишига қарамай, оқилона фойдаланилганда иқтисодий ўсишга ёрдам беради.

Солиқни рағбатлантириш воситалари: ноль ва пасайтирилган ставкалар, жадал амортизация, солиқдан озод қилиш ва солиқ солинадиган базанинг қисқариши.

Солиқ имтиёзларининг камчиликлари: заиф методология, рағбатлантириш самарадорлиги аниқ мезонларининг йўқлиги ва уларнинг таъсирини баҳолаш механизмининг етарли эмаслиги. Мезо даражада самарадорликни баҳолаш учун услубий воситалар ишлаб чиқилган.

Солиқ имтиёзлари сиёсатнинг иқтисодиёт ва унинг алоҳида йўналишларининг ўсишини таъминловчи асосий элементидир.

**SCIENTIFIC COUNCIL FOR AWARDING ACADEMIC DEGREES IN  
DIGITAL SCIENCES DSc. 22/30.12.2019.I.100.01 UNDER PLEKHANOV  
RUSSIAN UNIVERSITY OF ECONOMICS IN TASHKENT**

---

**PLEKHANOV RUSSIAN UNIVERSITY OF ECONOMICS IN TASHKENT**

**ABDULOV DAMIR RUSTAMOVICH**

**IMPROVING TAX ADMINISTRATION IN CONDITION OF DIGITAL  
ECONOMY**

**08.00.07 – Finance, Money Circulation and Credit**

**ABSTRACT**

of a dissertation for a Doctor of Philosophy (PhD) scientific degree  
in Economic Sciences

**Tashkent – 2025**

**The topic of the Doctor of Philosophy (PhD) dissertation on economic sciences was registered in the Higher Attestation Commission of the Republic of Uzbekistan under the number B2020.1.PhD/Iqt1204.**

The doctoral dissertation was completed at the Plekhanov Russian University of Economics in Tashkent.

The abstract of the dissertation in three languages (Uzbek, Russian and English (summary)) has been placed on the web page of the Scientific Council ([www.reu.uz](http://www.reu.uz)) and the information and educational portal "ZiyoNet" ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

<b>Scientific Supervisor:</b>	<b>Abdurakhmanov Olim Kalandarovich</b> Doctor of Economics, Professor
<b>Official opponents:</b>	<b>Voronin Sergey Aleksandrovich</b> Doctor of Economics
	<b>Juraev Abdugaffor Safarovich</b> Doctor of Economics, Professor
<b>Leading Organization:</b>	<b>Tashkent State University of Economics</b>

The defense of the dissertation will take place « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2025 at \_\_\_\_\_ at the meeting of the Scientific Council No. DSc.22/30.12.2019.I.100.01 on awarding academic degrees at the Tashkent branch of the Plekhanov Russian University of Economics. Address: 100164, Tashkent city, Shakhriabad street, 3. Tel.: (99871) 262-43-50; fax: (99871) 262-43-60; Email: [info@reu.uz](mailto:info@reu.uz).

The dissertation can be reviewed in the Information Resource Center of the Tashkent branch of Plekhanov Russian University of Economics (registration number \_\_\_\_). Address: 100164, Tashkent city, Shakhriabad street, 3. Tel.: (99871) 262-43-50; Fax: (99871) 262-43-60; Email: [info@reu.uz](mailto:info@reu.uz).

The abstract of the dissertation was distributed on « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2025.  
(Protocol of the register № \_\_\_\_ on « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2025)

**K.Kh. Abdurakhmanov**  
Chairman of the Scientific Council awarding scientific degrees, Academician of the Academy of Sciences of the Republic of Uzbekistan, Doctor of Economics, Professor

**Z.G. Shakarov**  
Secretary of the Scientific Council awarding scientific degrees, Doctor of Philosophy in Economics (PhD), dots.

**Z.Ya. Khudayberdiev**  
Chairman of the Scientific Seminar under the Scientific Council, Doctor of Economics, Professor

## INTRODUCTION (abstract of PhD thesis)

**The aim** of the research is to develop scientifically grounded proposals and practical recommendations for improving tax administration in the context of the digitalization of the economy.

**The object** of the research is the process of tax administration, which encompasses the implementation of tax policy, the management of tax relations, and the enforcement of tax legislation compliance.

**The scientific novelty of the research consists in the following:**

the feasibility of abolishing the write-off of tax debts deemed irrecoverable has been substantiated as an important direction for reducing the shadow economy and improving tax administration;

an automated mechanism based on online communication, called "tax monitoring of bankruptcy procedures," has been proposed. This mechanism is aimed at ensuring compliance with legislation, increasing the efficiency of tax administration, and controlling bankruptcy processes in the context of online interaction with taxpayers;

the feasibility of optimizing mechanisms for interaction between tax authorities and taxpayers has been substantiated through the use of effective tools, including service-oriented solutions and electronic communication mechanisms;

the need for a comprehensive approach to assessing taxpayer satisfaction with the activities of tax authorities has been substantiated. It also suggests improving effective tax administration by considering current changes, providing financial support to taxpayers, and expanding the tax base.

**Implementation of research results.** The results of the research on aspects of tax administration were utilized in the development of the following:

The substantiation of the feasibility of abolishing the write-off of tax debts deemed irrecoverable as an important measure for reducing the shadow economy and improving tax administration was incorporated into paragraph 3 of the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan "On Additional Measures to Further Improve Tax Administration," dated November 20, 2021, No. 736 (Reference from the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan No. 21-11695, dated February 10, 2022). These proposals contributed to enhancing the efficiency of tax administration, ensuring that taxpayers who consistently violate tax discipline cannot rely on the possibility of having their irrecoverable tax debts written off. Additionally, a 12.4% reduction in tax administration costs associated with servicing irrecoverable tax debts was achieved;

An automated mechanism based on online communication, called "tax monitoring of bankruptcy procedures" aimed at ensuring compliance with legislation, improving the efficiency of tax administration, and controlling bankruptcy processes through online interaction with taxpayers, was considered in the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 736, dated November 20, 2020, "On Additional Measures to Further Improve Tax Administration." It is expected to be implemented into the activities of tax authorities starting in 2022 (Reference from the State Tax Committee of the Republic of

Uzbekistan No. 21-11695, dated February 10, 2022). The implementation of this proposal requires not only the participation of tax authorities or their signatures in the relevant acts during bankruptcy procedures but also grants tax authorities the role of a trusted state controller. This enables the identification and elimination of tax errors in the organization of various trades and transactions, the automatic verification, identification, and authentication of information on assets and sales of the debtor by arbitration managers and other users, and the development of indicators to evaluate the efficiency of the automated system;

The proposal to optimize mechanisms of interaction between tax authorities and taxpayers using effective tools, including service-based solutions and electronic communication mechanisms, was utilized in the development of the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 736, dated November 20, 2020, "On Additional Measures to Further Improve Tax Administration," and the "Strategy for Improving Tax Administration in the Republic of Uzbekistan for 2019–2021" (Reference from the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan No. 21-11695, dated February 10, 2022). The proposal contributed to the digitalization of the system and improved efficiency in this area;

The proposal for a comprehensive approach to assessing taxpayer satisfaction with the activities of tax authorities, including improving effective tax administration based on current changes, providing financial support to taxpayers, and expanding the tax base, was used in the Resolution of the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan No. 320, dated April 17, 2019, "On Measures to Further Improve the Activities of State Tax Authorities" (Reference from the State Tax Committee of the Republic of Uzbekistan No. 21-11695, dated February 10, 2022). The proposal contributed to increasing the proportion of taxpayers who comply with tax discipline, reducing the burden on tax administration, and raising the share of voluntarily paid taxes in the total tax obligations.

**Structure and scope of the thesis.** The dissertation consists of an introduction, three chapters, a conclusion and a list of references. The total volume of the research work is 154 pages.

**СПИСОК ОПУБЛИКОВАННЫХ РАБОТ  
ЭЪЛОН ҚИЛИНГАН ИШЛАР РЎЙХАТИ  
LIST OF PUBLISHED WORKS**

**I бўлим (I часть; I part)**

1. Abdulov D.R. Assessment of the effectiveness of the activities of tax authorities in foreign countries // Iqtisodiyot va innovatsion texnologiyalar ilmiy elektron journali. 2023 йил, № 5 сон. сентябрь-октябрь. 342-348 б. <http://iqtisodiyot.tsue.uz/journal>, (08.00.00. №10)

2. Абдулов Д.Р. Эффективность фискальной политики государства // Молия ва банк иши электрон илмий журналі. 2020 йил, № 3 сон. май-июнь. 261-267 б. [www.journal.bfa.uz](http://www.journal.bfa.uz), ISSN 2181-8495. (08.00.00. №17)

3. Abdulov D.R. System of Forms and Methods of Tax Administration in Uzbekistan // International Journal of Innovative Technology and Exploring Engineering (IJITEE) ISSN: 2278-3075, Volume-9, Issue-1, November 2019. <https://www.researchgate.net/publication/343905912>. IF=5,662

4. Абдулов Д.Р. Преобразование налогового администрирования в условиях цифровизации экономики (на примере НДС) // Жамият ва инновациялар – Общество и инновации – Society and innovations Special issue -1, №01 (2020) / ISSN 2181-1415. 123-135 ст.

5. Абдулов Д.Р. Оценка эффективности деятельности налоговых органов в зарубежных странах // «Современные тренды экономического развития: Россия и мир после пандемии» мавзусидаги II-Халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Новосибирск, 25-26 февраль 2021 йил. 4-8 бетлар.

6. Абдулов Д.Р. Развитие механизмов налогового администрирования в условиях цифровизации экономики Узбекистана // «Развитие научных концепций в учетно-аналитической и налоговой сфере: классическая основа и вызовы времени» мавзусидаги VIII-Халқаро институтлараро илмий-амалий конференция материаллари тўплами. Москва, 12 ноябрь 2021 йил. 13-22 бетлар.

7. Abdulov D.R. Assessment of the effectiveness of the activities of tax authorities in foreign countries // «Milliy iqtisodiyot raqobatbardoshligini oshirish aholi turmush darajasi barqarorligi omili» respublika ilmiy-amaliy konferensiyasi materiallari to'plami. –Т.: TDIU, 2023-yil 18-oktyabr. – 478 б.

8. Абдулов Д.Р. Налоговые вызовы в цифровой экономике в Узбекистане // Сборник тезисов по итогам Профессорского форума 2019 «Наука. Образование. Регионы» 2019. 84-87 ст.

**II бўлим (II часть; II part)**

1. Абдулов Д.Р., Тула Н.Б. “Правовая статистика”. Учебное пособие bosma УДК:311.3:34(075.8) ББК: 67.54я73 Т. «VNESHINVESTPROM», 2020 й.

2. Абдулов Д.Р. Актуальность экономического права в законодательстве и перспективы применения на практике в Узбекистане электрон <https://www.elibrary.ru/item.asp?id=30300560>

3. Абдулов Д.Р. Проблема теневой экономики и влияния налогового администрирования электрон сборник тезисов Международной научно-практической конференции на тему: «Сокращение масштабов теневой экономики» посвященной 30-летию юбилея образования ТГЮУ, 2022

4. Абдулов Д.Р. Парадокс противоречия бухгалтерского и корпоративного законодательства электрон VIII международной межвузовской научно-практической конференции, посвящённой памяти М.И. Баканова и В.И. Петровой, 2021

5. Абдулов Д.Р. Практическая значимость экономического анализа права в системе законодательства Узбекистана босма Юридик фанлар ахборотномаси / Вестник юридических наук / Review of law sciences. – Т., 2018

6. Абдулов Д.Р. и др. “Корпоративное управление” Учебное пособие. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта-махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 25 декабрдаги № 538-сонли буйруғига асосан нашрга тавсия этилган.

7. Абдулов Д.Р. и др. “Менеджмент, экономика и социальная политика” босма Toshkent davlat yuridik universitetining 2023 yil 29 dekabrdaги №227-um-sonli buyrug‘iga asosan nashirga tavsiya etilgan. 125b.

Avtoreferat “Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” davlat unitar korxonasida tahrirdan o‘tkazilib, o‘zbek, rus va ingliz tillaridagi matnlari o‘zaro muvofiqlashtirildi.

Bosishga ruxsat etildi: 2025-yil 10-yanvar.  
Bichimi 60x84<sup>1/16</sup> “Times New Roman”  
garniturada raqamli bosma usulda bosildi.  
Shartli bosma tabog‘i 3,75. Adadi 100 nusxa. Бюропта № 13.

“Innovatsion rivojlanish nashriyot-matbaa uyi” davlat unitar korxonasi bosmaxonasida chop etildi.  
Manzil: 100174, Toshkent sh., Talabalar ko‘chasi, 96/1-uy.  
Telefonlar: (+998) 97-705-90-35, (+998) 99-920-90-35